



## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Сайфутдинов Бобур,**

*Тошкент молия институти мустақил изланувчиси*

*ORCID: 0009-0009-1752-4840*

## SPECIFIC ASPECTS OF PREPARATION OF FINANCIAL STATEMENTS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

**Sayfutdinov Bobur,**

*Independent researcher of Tashkent Financial Institute*

*ORCID: 0009-0009-1752-4840*

### **JEL Classification: M1, M4, M41**

**Аннотация.** *Мамалакатимизда ташиқлотларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилди. Бу албатта ташиқлотлар олдида бухгалтерия ҳисобини юришиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этишга бошқача ёндашувни жорий этишни талаб этади. Хусусан, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ахборотларини шакллантиришида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига риоя этиш орқали уларнинг ҳаққоний ва тўғри тақдим этилишини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Мазкур мақолада бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш тартиби, унинг босқичлари ёритилган.*

**Abstract:** *In order to increase the investment attractiveness of organizations in our country, international standards of financial reporting have been introduced. This necessarily requires the introduction of*

*a different approach to accounting and financial reporting in organizations. It is important to ensure their true and fairly presentation by complying with the requirements of international standards of financial reporting in the preparation of the financial report and the formation of its information. This article describes the procedure for transforming the financial report prepared on the basis of national accounting standards into the international standards of financial reporting, and its stages.*

**Калим сўзлар:** *молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, трансформация, тўлиқ трансформация, комбинациялашган усул*

**Keywords:** *financial statements, national accounting standards, international financial reporting standards, transformation, full transformation, combined method*

**Кириш.** *Охириги йилларда мамалакатимиз инвестицион жозибдорлигини ошириш йўлида бир*

қатор устивор вазифалар белгиланиб, улар бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилиб босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мамлакат президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда”, [1]деб таъкидлаб ўтган.

Дарҳақиқат инвестициялар оқимининг ортишида мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тайёрланиб тақдим этилаётган молиявий ҳисобот ва улардаги маълумотларнинг шафоқлигини таъминлаш ҳамда уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиб тақдим этиш ўта долзарб вазифалардан саналади.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида таёрлашни тартибга солувчи норматив ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳисобланади. Мазкур Қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини

ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятидаги кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар халқаро стандартларга мос равишда ҳисобот тайёрлашмоқда. Халқаро стандартлардан фойдаланиш эса дунёнинг турли бурчакларида тайёрланиб тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг бир хиллиги таъминланишига ёрдам беради. Халқаро стандартлардан фойдаланишнинг моҳияти турли мамлакатларда бухгалтерия тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (бундан кейин МҲХС) тамойилларига мувофиқлигини таъминлашдан иборат.

**Материал ва метод.** МҲХС бўйича молиявий ҳисоботларни аҳамияти масалаларига иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Комарова Е.А. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган ташкилотнинг молиявий ҳолатини, шу жумладан молиявий барқарорлигини асословчи ҳамда унинг ривожланиш қобилияти, инвестицион жозибадорлиги ва барқарор тўлов қобилиятининг кафолати ҳисобланади”, деб таъкидлайди[2].

Б.Нидлз, Х.Андерсон, Ж.Кодуэллнинг илмий ишларида молиявий ҳисобот концепцияси бухгалтерия ҳисоби тамойиллари нуқтаи

назаридан кўриб чиқилган. Улар бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бухгалтерия ҳисоби маълумотларини шакллантириш учун асос бўлиб, улар ҳисоботда умумлаштирилади деган фикрни илгари суришган [3].

Профессор С.Ташназаровнинг фикрича, ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида гармонизациясига эришиш, илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш барча мамлакатлар учун энг долзарб масаладир [4].

Кжелл Магне Баксаас ва Тонни Стенхайм “молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқувчи молиявий ҳисобот элементлари таснифлаш қоидаларини белигалашга интилиши керак эмас, балки таснифлаш ташкилотнинг бизнес модели билан белгиланши лозим”, деган фикрни олға суришган [5].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.З.Авлокулов фикрича, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар ташкилотни самарали бошқаришда зарур ҳисобланади. Халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этишдир. Шунингдек халқаро стандартлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади. Бу жараёнда қулай инвестицион муҳит, компаниялар фаолияти очиклиги, бошқарувнинг акциядорлар олдидаги ҳисобдорлиги, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларининг жорий қилиниши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади [6].

Юқорида қайд этилган фикрлардан шуни таъкидлаш мумкинки, молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этишда турли ёдашувларнинг мавжудлиги, мазкур мавзуда таадиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Фикримизча молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда хўжалик юритувчи субъектлар олдида иккита ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” 1-сон МҲХС талаблари асосида учта молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳамда иккита молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тайёрланган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини шакллантириш ва МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритишни ўз ичига олади. Иккинчи ёндашувга мувофиқ, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботни трансформация қилиш орқали молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашдир. Ушбу мақолада иккинчи ёндашувга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш босқичларини кўриб чиқамиз.

**Натижалар.** Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида шакллантиришни тартибга солувчи асосий стандарт “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХС ҳисобланади. Мазкур стандарт қоидаларига риоя қилиш мезонларини белгилайди, шунингдек муҳимлик, фаолиятнинг узлуксизлиги учун талабларни белгилайди, молиявий

ҳисоботларнинг мажбурий компонентларини ҳамда тақдим этиш тартибини кўрсатади [7]. Стандартда асосий ҳисобот шакллари ҳар бирини тайёрлаш бўйича тақлифлар мавжуд бўлиб, ҳисобот элементларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича умумий талабларни белгилайди.

1-сон БҲХСнинг 8-бандида молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагича кўрсатилган:

- Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(ялпи даромадлар тўғрисидаги ҳисобот);
- Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқими ҳақида ҳисобот;
- ҳисоб сиёсатининг муҳим элементлари ва бошқа тавсифловчи эслатмаларнинг қисқача тавсифи билан бирга изох [8].

Юқорида кўрсатилган ҳисоботларга қўшимча равишда, молиявий ҳисоботларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳисоботларни ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдаланувчиларнинг ишини осонлаштирадиган бошқа қўшимча ҳисоботларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ҳозиргача кўплаб мамлакатларда миллий стандартларга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш, кейинчалик МҲХСга ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш учун зарур ўзгартиришларни киритиш мумкин. Ушбу жараён "трансформация" деб аталади [9].

Молиявий ҳисоботларни МҲХС талабларига мувофиқ трансформациялаш миллий стандартларга мувофиқ тайёрланган ҳисоботлар асосида амалга

оширилади. Ушбу жараён бухгалтерия объектларини таснифлаш ва баҳолаш элементларини тартибга солиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Мақсад молиявий ҳисоботларни МҲХС форматида мослаштиришдир.

Ҳисоботларни трансформациялаш аввал бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисобот материалларида МҲХСга мувофиқ зарурий тузатишларни (ўзгаришлар) амалга оширишдан иборат бўлган жараёндир. Ушбу тартибот ҳисобот даврида амалга оширилиши керак.

Бизнинг фикримизча мазкур жараённинг асосий камчиликлари параллел ҳисобни юритишнинг мураккаблиги ҳисобланади. Ҳисоботни трансформацияга жалб қилинган мутахассис мустақил равишда методологияни танлаши ва жараённинг босқичларини аниқлаши мумкин. Танлов бевосита бухгалтерия ҳисоби, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, ресурслар (молиявий, моддий ва меҳнат), ҳисоб сиёсати ва ҳисоботнинг деталлашган даражаси каби субъектив омилларга бевосита боғлиқ.

**Мунозара.** Афсуски, трансформацияни амалга оширишда ягона эълон қилинган ёндашув мавжуд эмас, шунинг учун ҳар бир ҳисобчи ва иқтисодчи алоҳида алгоритмни ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларни МҲХСда ўзгартирилиши учун қўлланиладиган методология ва босқичларни танлашга рухсат берилади.

МҲХС доирасида молиявий ҳисоботларни трансформациялаш режаси Тайёрлов чоралари:

а. МХХСга мувофиқ ҳужжатлар учун асосий талабларни мукамал эгаллаш;

б. халқаро ва миллий стандартларнинг қиёсий таҳлили, башорат қилишда фарқлар ва номувофиқликлар аниқланиши;

д. 1-сон "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш" МХХС қўлланилиши шартларини батафсил ўрганиш;

е. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича корxonанинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш.

2. Трансформация жараёни:

а. МХХС ва миллий стандартларга мувофиқ тайёрланган бухгалтерия сиёсатининг қиёсий таҳлили, ўзгаришлар доирасини аниқлаш;

б. ўзгаришларни талаб қиладиган маълумот материалларини йиғиш;

д. ишчи ҳужжатларни тайёрлаш, молиявий ҳисоботлар элементларининг форматини танлаш;

е. тузатишлар киритиш, таснифлаш; ф. дастлабки мувозанатни шакллантириш;

г. баланс ва фойда ва зарар ҳисобини МХХС тушунчаси бўйича яратиш;

х. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги низомни тузиш, Нақд пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва МХХС талабларига мувофиқ тушунтириш хатлари.

3. Трансформациядан кейинги ишлар:

а. зарурий қўшимча ҳисобот шакллари шакллантириш;

б. Инфляция ҳисобга оладиган барча ҳисобот элементлари учун МХХС трансформацион ўзгаришлар;

д. молиявий ҳисоботларни чет эл валютасига трансформация [10].

### 1-жадвал

#### Молиявий ҳисоботларни МХХС форматига трансформация қилиш усуллари<sup>1</sup>

Тўлиқ трансформация	Ушбу усул мавжуд ҳисобот тизимида МХХС ва миллий стандартлар ўртасидаги аниқ фарқлар ва фарқларни баргараф этадиган зарурий ўзгаришлар киритади. Тузатма дастлабки ҳужжатлардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилади. МХХС бўйича бундай маълумот гиперинфляция шароитида тақдим этилади. Молиявий ҳисобот миллий валютада тақдим этилади.
Гиперинфляцияни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ трансформация	Ушбу усул, аввалги каби, барча керакли ўзгаришларни амалга оширади. Молиявий ҳисоботлар, миллий валютадаги МХХС талабларига мувофиқ, пулнинг кадри ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар билан тақдим этилади.
Кўрсаткичларни чет эл валютасига айлантириш бўйича талабларни ҳисобга	Ушбу ўзгартириш усули молиявий ҳисоботларни миллий валютадан барқарор чет элга конверсияни талаб қилади. Бу, гиперинфляция шароитида юзага келади, шунинг учун

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф ишланмаси



<p>олган ҳолда тўлиқ трансформация</p>	<p>уни хорижий ташкилотлар билан таққослаш ёки бегона хорижий компания билан бирлаштириш мумкин.</p>
<p>Тўлиқ конверсия</p>	<p>Ушбу услуб параллел жуфт ҳисоблашдан иборат. Бу Параллел ҳисоб усули бухгалтерия дастуридан фойдаланадиган компаниялар учун барча молиявий ва бизнес операцияларини ҳисобга олиш учун жавоб беради. Шу билан бирга, компаниялар МҲҲС томонидан белгиланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этиш имкониятига эга бўладилар.</p>
<p>Босқичли конверсия</p>	<p>Қўлда бухгалтерия ҳисобини юритувчи компаниялар босқичли конверсияни қўллайди. Улар МҲҲС ҳақида бир неча босқичда маълумот беради ва айни пайтда компьютерлашган бухгалтерия ҳисобини юритади. Бундан ташқари, бухгалтерия соҳасининг ҳар бирида компьютерлаштириш босқичма-босқич жорий этилади. МҲҲСга мувофиқ керакли маълумотларни тақдим этиш учун ҳисоб-китоб соҳалари икки томонлама ҳисоблаш усуллари билан қамраб олинмаган бўлса, МҲҲС билан таққосланадиган тузатишларни киритиш керак.</p>

Молиявий маълумотлар эҳтиёткорлик ва оқилона қарорлар қабул қилишда муҳим восита бўлгани учун, улар юқори сифатли бўлиши керак. Жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва капитал миқдори ушбу омилга боғлиқ. Бундан ташқари, компаниянинг молиявий ҳолати ва унинг бозорда ривожланиши. Халқаро стандартларни қабул қилган барча мамлакатлар МҲҲСни ўрганиш учун ходимларни қайта тайёрлашга, шунингдек ўзларини тенг шерик сифатида жойлаштиришга муҳтож. Бу халқаро капитал бозоридаги мутлақо барча имкониятлардан самарали ва самарали фойдаланиш имконини беради [11].

Ғарб инвесторлари учун тушунарли бўлган молиявий ҳисоботларни тузиш керак. Ғарб стандартларига мувофиқ ҳисобот бериш зарурати хорижий

банклар ва инвесторлар билан иш олиб борадиган компаниялардан келиб чиқади. Хорижий молиялаштиришни жалб қилишда ушбу фирмалар фоиз ставкаларини пасайтиришни кутишлари мумкин, чунки бу ишда инвестор у кредит ставкасидаги хавфларни объектив баҳолайди. Бундан ташқари, бугунги кунда кўплаб фирмалар халқаро лойиҳаларда иштирок этиш учун МҲҲС бўйича ҳисобот беришга кизиқишмоқда. Шу билан бирга, қоида тариқасида, ушбу лойиҳаларнинг шартлари, Ғарб стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботларнинг аниқлиги аудиторлик ҳисоботи билан тасдиқланади. 2-жадвалда келтирилган МҲҲС форматида ҳисоботларни тайёрлашнинг бир неча йўли мавжуд. Ушбу усулларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга.

2-жадвал

**МХХС форматада ҳисобот бериш усуллари<sup>2</sup>**

	Усулнинг моҳияти
Параллел ҳисоб	Ҳисоб бир вақтнинг ўзида миллий ва ғарб стандартларига мувофиқ амалга оширилади.
Комбинациялашган усул	БҲМС асосида юритилган ҳисоб даврий равишда МХХСлари асосида тузатишлар киритиб борилади
Ҳисобот трансформацияси	МХХС бўйича ҳисоботларнинг кўрсаткичлари миллий стандартларга мувофиқ тайёрланган ҳисобот маълумотлари асосида шаклланади.

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан тайёрланган

Комбинацияланган усул - ҳар қандай вақтда маълумотни ошкор этишнинг етарли даражада аниқлигини таъминлайди, чунки молиявий ҳисоботларни тайёрлаш муддати тугашигача кутишнинг ҳожати йўқ.

МХХСга трансформация қилиш ҳисобот кўрсаткичлари тузатишларни амалга ошириш орқали миллий стандартларга мувофиқ ҳисобот тайёрлаш асосида тузилади. Трансформация усули компанияни пулни тежашга имкон беради, чунки уни амалга ошириш кўпроқ ходимлар ва махсус дастурий таъминотлардан фойдаланишни талаб қилмайди.

**Хулоса.** Трансформацион жараёнида молиявий маълумотлар билан ишлашнинг амалий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга. Умуман олганда, трансформация жадвалини тузиш, тузатиш ва босма ҳисобот шакллари шакллантириш бўйича қуйидаги тавсиялар таъкидланиши мумкин:

1. Маълумотларни қайта ишлашда ҳисоб-китобларнинг тўғрилигига ва тузатувчи ёзувларга, трансформация жадвали, чоп этилган ҳисобот шакллари алоҳида эътибор берилиши керак. Бунда асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

° активлар, мажбурият ва капиталнинг жами суммаси тузатувчи муомилалар асосида МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрланганда тенглиги сақлаш;

° ўтган давр якуни бўйича тақсимланмаган фойда қолдиғи мослигини таъминлаш;

° молиявий ҳисобот элементлари ва ундаги ёзувлар мослигини таъминлаш;

2. Рақамли маълумотлар билан ишлашни максимал даражада автоматлаштириш мақсадга мувофиқ;

3. Молиявий ҳисобот моддалари, айланма-сальдо қайдномалари доирасида маълумотларини хариталаш.

4. Кредит суммаларини минус билан кўрсатилиши керак - бу ўзгариш тузатувчи ёзувларни амалга ошириш ва трансформация жараёнини соддалаштиради.

5. Барча маълумотларни текшириш учун қулайлик яратиш учун, трансформация жадвалини ўз ичига олган ўша файлнинг қўшимча варақларида амалга оширилиши керак. Агар мураккаб ҳисоб-китоблар мавжуд бўлса улар алоҳида файлларга бўлиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, трансформация жараёни юридик жиҳатдан тартибга солинмаганлиги сабабли, унинг ташкилоти компания раҳбариятининг ихтиёрига кўра қолмоқда - муайян ишчи ташкилот учун энг маъқул вариантларни танлаш мумкин. Шунингдек, жараённинг техник қисми - трансформацион ёзувлари бўйича батафсил маълумот ва шарҳлар ҳисобларни амалга ошириш учун масъул бўлган мутахассиснинг ихтиёрига топширилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>





2. Комарова Е.А. “Интеграция науки и практики: взгляд молодых ученых” тезисы докладов III Всероссийской научно-практической конференции магистрантов и аспирантов. 2016.
3. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Дж. Принципы бухгалтерского учета : Пер. с англ. / Под ред. Я.В. Соколова. – М. : Финансы и статистика, 1994. – 496 с.
4. Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. -74 б.
5. Baksaas & Stenheim, *Cogent Business & Management*(2019), 6: 1642982, p 12., <https://doi.org/10.1080/23311975.2019.1642982>
6. Авлокулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини ақс эттириш хусусиятлари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил
7. Framework for the Preparation and Presentation of Financial Statements. [www.iasplus.com](http://www.iasplus.com)
8. “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли 1-БҲХС Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари 2013 нашри. <http://www.naaa.uz/index.php/ru/biblioteka>
9. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлар. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2009. –28 б.10. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. - М.: Финансы и статистика, 2015. – 96 с.
10. Пономарева Л. В. «Бухгалтерская отчетность организации». Уч.пособие. – М.: Бухгалтерский учет, 2007 г. – 97 с